

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 29 октябрь, чоршанба • № 86 (10.965) • Эркин нархда сотилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А. ГРИГОРЯНГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Олтин камар» соҳиби Артур Григорянга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р. ЧАГАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда дунё миқёсида эришган катта ютуқлари учун бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 октябрь.

АЁЛЛАР ХИЗМАТИДА

ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ, ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ ВА «ДУСТЛИК» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИАТИ ХУДУДИДАГИ ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ-КОРЛИҚДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ БОРАСИДА ЯХШИ БИР ТАДБИРНИ АМАЛГА ОШИРДИЛАР. ЯҚИНДА ҚИШЛОҚ КАСАЛХОНАСИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ, АЁЛЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУАССАСАСИГА АЙЛАНТИРИЛГАНИ АНА ШУ ЙЎНАЛИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ.

— Жанубий ко-
реяликлар билан
тузилган «Койка»
шартномасига му-
вофиқ моддий ба-
з а м и з
з а м и з
бошқа жиҳозлар, ик-
мустаҳкамланганч-
шундай шиfoxона-
ни очиш имкония-
ти яратилди, —
деди мазкур муас-
саса бош шиfoxо-
ри Бахтиёр Ҳолов,
— Касалхона учун
иккита энгил маши-
на, ташхис кўювчи
ультратовушли уску-
на ва бир қанча
бошқа жиҳозлар, ик-
кита компьютер аж-
ратилди. 50 ўринга
мўлжалланган ши-
foxона миқозларни
кутмоқда.

Сайд ВАЛИЕВ.

Ўзбекистон — Венгрия

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Бугун, 29 октябрда Венгрия Республикаси Президентини Арпад Гёнцнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади

Венгрия Марказий Овр-
рупонинг қоқ марказида
жойлашган (майdonи 93
минг кв.км, аҳолиси 10,5
млн.киши) бўлиб, Украина,
Руминия, Словения, Хор-
ватия, Югославия
Иттифоқдош Республика-
си, Австрия ва Словакия
давлатлари билан чегара-
дош.

Венгрия Республикаси
1955 йилдан бошлаб
БМТнинг аъзоси, 1975
йилдан бошлаб Овруро
Хавфсизлик ва Ҳамкорлик
Ташкилотига аъзо, 1990
йилдан эса Овруро кенга-
ши аъзоси. 1991 йилда
Овруро Иттифоқига шарт-
ли аъзолиги тўғрисида
битим имзоланган. НАТО
ва Фарбий Овруро
Иттифоқига аъзо бўлиш —
Венгрия ташқи

сиёсатининг устувор
йўналишларидан биридир.
Урушдан кейинги йил-
лар давомида мамлакатла-
римизни собиқ
Иттифоқнинг ташқи
иқтисодий ташкилотлари
орқали амалга оширилган
иқтисодий муносабатлар
боғлаб турган. Ўзбекистон-
нинг мустақилликка эриши-
ши билан бу алоқалар бе-
восита, «даллолларсиз»
амалга оширилиб, тобора
яқинлашиб бормоқда.

1992 йилда республика
Бош вазири бошчилигида-
ги Ўзбекистон ҳукумати деле-
гациясининг Венгрияга
визити бўлди. Ташриф да-
вомида имзоланган ҳуж-
жатлар ўзаро манфаатли
ҳамкорликнинг янада кен-
гайиши учун асос бўлиб
хизмат қилди. Ўзбекистон-

ни қишлоқ хўжалик
маҳсулотлари, дори-дар-
монлар, автобуслар ва
уларнинг эҳтиёт қисмлари
билан таъминлаш
тўғрисидаги аниқ шартла-
шувларга ҳам эришилди.

1993 йилнинг октябри-
да Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий
алоқалар вазирлиги, Вен-
гриянинг Москвадаги элчи-
хонаси, Венгрия Республи-
касининг турдош вазирли-
ги ва венгер фирмаси
«Эконо Контакт»нинг фаол
ҳамжиҳатлигида Тошкентда
ўзбек ва венгер бизнес-
менлари иштирокида биз-
нес-семинар ўтказилди. Бу
ва бошқа тадбирлар икки
мамлакат маҳсулот айир-
бошлашининг кенгайиши-
га ёрдам берди. Биргина
шу йилнинг биринчи ярми-

да Ўзбекистон ва Венгрия
ўртасидаги товар айирбош-
лаш 30,5 млн. АҚШ долла-
рини ташкил этди.

Бугун ишонч билан ай-
тиш мумкинки, венгер тад-
биркорларини ўзбек бозо-
ри, унинг бой захиралари ва
имкониятлари жиддий жалб
этноқда. «Медимпекс» ва
«Велтра» каби ширкатлар
ўзбек ҳамкасблари билан
дори-дармон ва тиббиёт
препаратлари келтириш бо-
расида шартномалар имзо-
ладилар. Республикада
тўртта венгер ширкатининг
ваколатхонаси рўйхатдан
ўтган.

Тикувчилик
маҳсулотлари, яхна ичим-
ликлар ишлаб чиқариш, сав-
до операциялари билан
шуғулланувчи беш қўшма
корхона — «Диёра ЛТД»,
«Файз ЛТД Текстиль», «Ревина»,
«ТПМ-Информ», «Шифо-
бахш булоқ» муваффақият
билан ишламоқда.

Венгрия Республикаси
Президенти Арпад Гёнцнинг
Ўзбекистонга биринчи рас-
мий ташрифи, сўзсиз, мам-
лакатларимиз ўртасидаги
давлатлараро алоқаларнинг
ривожланишига, Ўзбекистон
ва Венгриянинг ўзаро ман-
фаатли ҳамкорлигига янги
туртки беради.

**Аслом АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.**

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 28 октябрда бўлган МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)
Биринчи устун — туманлар, иккинчи
устун — бир кунда, учинчи устун —
мавсум бошидан бери

Юқоричирчиқ	0,67	103,52
Ўртачирчиқ	1,25	101,77
Янгийўл	1,08	85,97
Чиноз	0,80	84,98
Бўка	1,15	83,62
Бекобод	0,65	77,87
Оққўрғон	2,29	75,13
Куйчирчиқ	1,22	74,29
Пскент	1,17	73,81
Вилоят бўйича	1,19	83,47
1996 йилда бўлган эди	1,45	79,42

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Аммо Вилоятимиздаги айрим хўжаликлар пахтачилик учун қулай келган йилда ҳам баҳона ахтаришдан нарига ўтмаяптилар

БОБОДЕҲҚОННИНГ тили билан айтганда бу йил кузини берди. Бир марта шивалаб ўтган ёмғирни ҳисобга олманда икки ойдан ошдики, об-ҳаво ўз саҳоватини аямаяпти. Миришкор пахтакорлар бундай имкониятдан ҳаммаши омилкорлик билан фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олганлар. Бунга Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ тумани деҳқонларининг иши яққол мисолдир.

Афсуски, вилоятимизнинг барча туман ва хўжаликларида ҳам бундай қулай фурсатларнинг қадрига етилмаяпти. Қишлоқ хўжалигининг бош ҳосили — пахта ни йиғиб-териб олишда қолақлик йўл қўйилмоқда.

Хўш, нега шундай? Назаримизда бу саволга республика Президентининг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997-йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва дав-

латта топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойишида аниқ ва лўнда жавоб берилди. Унда мавжуд техникалар мавсумга пухта тайёрланмаганлиги, уруғчиликка эътибор берилмаганлиги, ғўзани парвариш қилишда агротехника талаблари бузилганлиги, деформациянинг сифатсиз ўтказилганлиги сингари қатор камчиликлар бугунги кунда терим сурьатига катта салбий таъсир кўрсатаётганлиги қайд этилган эди.

Ҳақиқатан ҳам юқоридаги гаплар нафақат Наманган ва Фарғона вилоятига, балки, бизнинг вилоятдаги айрим хўжаликларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Эътибор беринг... Вилоятда ва қатор туманларда йиллик пахта тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча олинда бораётган бир пайтда Чиноз туманидаги «юки катта» хўжаликлардан бири — Охунбоев номили жамоа хўжалигида йиллик режа эндигина 58 фоизга етди. Янгийўл туманидаги «Дўстлик», «Қовунчи» хўжаликларида эса бу рақам эндигина 60 фоиздан ошди. Пскент туманидаги Қодиров номили, Охунбоев номили хўжаликларда ҳам терим сурьати қониқарсиз бормоқда.

Сўнги пайтда Куйчирчиқ туманида ҳам пахта тайёрлашда унум бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби тумандаги айрим хўжаликларда бу муҳим масалага масъулиятсизлик билан ёндашилаётганлигидадир, деб ўйлаймиз. Масалан, тумандаги «Янги ҳаёт», Ҳамза номили хўжаликларда йиллик режа эндигина 47-49 фоизга етди. Бу борада Абай номили хўжалик «рекорд» қўймоқда. Бу ерда етиштирилган ҳосилнинг эндигина 21 фоиздан ортиқроғи йиғиб-териб олинди. Худди шундай мисолларни Бўка туманидан ҳам келтириш мумкин. Бу ердаги «Бўка», «Гулистон», Улуғбек номили жамоа хўжаликларида шу кунгача йиллик режанинг атиги 30-34

фоизи миқдориде пахта тайёрланди.

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича тузилган комиссиянинг мажлисида Бекобод туманидаги «Сарюз» жамоа хўжалигида пахта ҳосилдорлигининг йилма-йил пасайиб бораётганлиги танқид қилинган эди. Бу хўжаликдаги қолақлик, ислохотларнинг барбод бўлаётганлиги ҳақида «Тошкент ҳақиқати» газетасида ҳам икки марта таҳлилий мақола босилди. Туман ва хўжалик раҳбариятига жиддий эътирозлар билдирилди. Минг афсуски, айтилган ҳақли фикр-мулоҳазалар ҳамон эътибордан четда қолаётди. Акс ҳолда бу хўжаликда йиллик пахта тайёрлаш режасининг бор-йўғи 50 фоизга етганлигини қандай баҳолаш мумкин? Энг ачинарлиси шундаки, биз юқорида таъкидлаб ўтган хўжаликлар кунлик пахта тайёрлашда ҳам энг паст кўрсаткичларга эришмоқда.

Албатта, пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш, белгиланган режаларни бажариш учун, аввало, лозим даражада меҳнат қилиш, шунга яраша ҳосил етиштириш лозим. Натижалардан кўриниб турибдики, юқоридаги сингари баъзи хўжаликларда пахтачиликда оддий агротехника тадбирлари ҳам ижро этилмаяпти. Уруғчилик устида жиддий ишланмаяпти. Мавжуд техника

Долзарб мавзу

воситалари ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Энг ачинарлиси, бу хўжаликларнинг раҳбарлари ўз зиммаларида турган масъулиятни ҳис этмаяптилар.

Шу ўринда ҳақли савол тувилади: эртага йиллик режаларни ошириб адо этган хўжаликларда деҳқонлар мўмай даромад ва меҳнатларига яраша рағбат олган бир пайтда бу хўжаликларнинг аъзоларига нима берилади? Ахир меҳнат қилган киши шунга яраша ҳақ олиши лозим эмасми?! Қолаверса, жамоа аъзолари раҳбарнинг ношудлиги ва масъулиятсизлиги туфайли нима учун жабр чекишлари керак?!

Бу очиқ ва аччиқ сўзлар юқоридаги хўжаликларда тегишли хулосалар чиқариб, келгусида ишларни яхшилаш учун айтилмоқда. Халқимизда томота кўл бўлур, деган нақл бор. Агар барча хўжаликларда иш яхши ташкил этилганида, далаларда мўл ҳосил етиштирилганида, йиғим-терим мавсумига пухта киришилганида туманлар ва вилоятнинг кўрсаткичлари бугун янада юқори бўлур эди. Шундай экан, ҳар ким баҳона ахтармасдан ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ адо этмоғи даркор.

МАВСУМ САБОБИ

Илғор усулларга, аниқ тадбирларга таяниб ишни ташкил этган Ўртачирчиқ тумани деҳқонлари ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини муваффақиятли адо этдилар

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифадир. Чунки ҳаётни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш, истиқболни режалаш, хуллас, қандай муаммо ва қандай масала кўтарилмасин, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам республика Президентини бундан уч йил олдин иқтисодий ислохотларни амалга ошириш вазифаларини белгилаб берар экан, «фаровон ҳаёт курмоқчи эканмиз, олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислохотни аввало, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур», деган эди.

Ўтган даврда туман қишлоқ хўжалигида маълум ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, кишилар иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушуниб бормоқдалар. Мулк эгалари шаклланди.

Булар қишлоқ хўжалигида иш юритиш, маҳсулот етиштириш ва тайёрлашда ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Бунга мисол қилиб шу йилги иш натижаларини келтириш мумкин: туман деҳқонлари 13 минг 550 гектар майдондан 36,5 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани муддатидан илгари бажардилар. Хар гектар ернинг ҳосилдорлиги 26,8 центнерни ташкил этди.

Бунга осонлик билан эришилмади, албатта. Ерни шудгорлаш ва экишга тайёрлашдан уруғ экиш, қатор ораларига ишлов бериш, далаларни йиғим-теримга тайёрлаш ва ўтказишгача бўлган барча ишларда, илм-фан илғор усул ва технологиядан фойдаланилди.

Пахтачилик соҳасида «Наманган—77» нави ер шароитимизга мос бўлиб тушди. Бу йил экиш технологиясига ҳам ўзгаришлар киритилди. Сифатли шудгорланган барча майдонларга апрель ойининг биринчи ярмида уруғ экиб бўлинди. 980 гектар майдонда андижонликлар тажрибасини қўлладик. Бу усул кутилганидан юқори натижалар берди. Парвариш даврида сув ва сугориш учун меҳнат кам сарфланди. Қатор ораларида бегона ўт деярли кўкармади. Экин берилган ўғитдан тўла бахраманд бўлди. Оддий усулда парвариш қилинган майдонлардаги қараганда ҳосилдорлик анча юқори бўлди. Хўжаликлар келгуси йилда камида 3 минг гектар майдонда пленкадан фойдаланишни режалаштираётганликлари сабаби ҳам ана шунда.

Деҳқон учун йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай саранжомлаб олишдан муҳимроқ иш йўқ. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосий қўлланма бўлди. Барча хўжаликларда мавсумга тайёргарлик ва йиғим-теримни шу вазифалар асосида олиб бордик. Мавжуд барча терим техникаси ва юклаш-транспорт воситалари айtilган муддатда — 25 август кунигача тўла тайёрлаб қўйилди. Хар бир пахта териш машинани техникавий талабларга мувофиқ тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинди. Булардан ташқари гўза барги барча майдонларда сифатли тўктирилгани, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида терим-транспорт отрядлари таркибиде жамлаб ишлатиш усули қўлланилгани ҳам дастлабки кунданок йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бориш учун имкон яратди.

Мавсум давомида далаларда мунтазам 130—140 та машина ишлади. Машина-трактор паркига қарашли мавжуд 3 та «Кейс—2022» русумли терим комбайнларининг иш унуми, айниқса, баракали бўлди.

Деҳқоннинг йил-ўн икки ой давомида қилган меҳнати натижаси хирмонларда жо бўладиган энг долзарб кунларда эл-юрт ҳеч қачон йиғим-теримдан четда турган эмас. Бу йил ҳам мавсум давомида 22 мингдан кўпроқ киши пахта терди. Корхона ва ташкилотларнинг 5 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари ҳам катта кўмак бердилар.

Чирчиқ шаҳридаги кимё sanoati корхонаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати жамоалари хар йилдагидек ўзларининг қўп сонли вакиллари туманимизга ёрдамга юбордилар. Биз туманимиз пахта тайёрлаш режасини шараф билан бажарган бугунги кунда ўз ўрнини «оқ олтин» далаларида деб билиб, беминат ёрдам кўрсатган ҳамда эришилган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшган барча механизатор ва теримчиларга, чирчиқлик

хашарчиларга чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Хўжаликларда механизаторларга икки қаторли машинада терган хар бир тонна пахта учун 90 сўмдан, тўрт қаторли машинада терилган ҳосили учун 55 сўмдан, қўлда терилган хар бир килограмм пахтага 3,5—4 сўмдан ҳақ тўланди. Туман ҳокимлиги пахта топшириш бўйича илғорларни рағбатлантириш учун мусобақа шартларини ишлаб чиқди.

Шунга биноан мавсумда мусобақалар хар беш кунда якунлаб борилди ва энг юқори натижага эришган хўжалик мусобақа ғолиби деб топилди. Ғолиблар учун эса учта мукофот, яъни биринчи ўринга 5 минг сўм, иккинчи ўринга 3 минг сўм, учинчи ўринга 2 минг сўмдан бериб борилди. Шартнома режасини биринчи бўлиб бажарган ҳамда машина теримида юксак кўрсаткичга эришган хўжалик учун битта енгил автомашина, иккинчи ўринни эгаллаган хўжаликка телевизор, учинчи ўриндаги хўжаликка битта гилам бериладиган бўлди. Бу мукофотлар ушбу хўжаликларнинг йиғим-теримда алоҳида ўрнатилган илғор пахтакорларига топширилди. Булардан ташқари туман миқёсида бригадалар, пахта териш машиналари ҳайдовчилари, йиғим-теримда қатнашган кор-

хона ва ташкилотлар ўртасида ҳам мусобақа илғорларига тегишли совринлар ва пул мукофотлари ажратилди. Хўжаликларда октябрь ойидан бошлаб қўлда терилган пахтанинг хар бир килограмми учун беш сўмгача ҳақ белгилангани ҳам терим суръатини ошириш имконини бермоқда. 710 гектар майдондан 2300 тонна ҳосил топширган Акмал Икромов номли, ялпи ҳосилни шу кунгача режадаги 2060 тонна ўрнига 2300 тоннага етказган «Гулистон» ҳиссадорлик жамиятлари, йиллик режани биринчилардан бўлиб бажарган «Роватак» ва бошқа жамоа хўжаликлариде терим суръати ҳамон пасаймаяпти.

Катта хирмон уйилиб, дастлабки доvon ортда қолгач босиб ўтилган йўлга қайрилиб қараб, эришилган ютуқларнинг ҳам, бой берилган имкониятларнинг ҳам, рўй берган камчиликларнинг ҳам сарҳисоби чиқарилиши табиий ҳол, албатта. Хўш, биз муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятлардан фойдаландикми? Ишимизда йўл қўйилган камчиликларнинг ҳаммасини вақтида тўғрилай олдикми, муаммолар ҳал этиляптими? Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йил пахта ҳосиллини йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақидаги фармойишидан келиб чиқиб, туманимиздаги мавжуд аҳволни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, ечилиши лозим бўлган муаммолар борлиги ҳам яққол кўринади. Туман ҳокимлиги бу муҳим ва долзарб масалаларни кунни кеча фоллар йиғилишида атрофлича муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирларни белгилади.

Очигини айтиш керак, бизда ҳам республика Президентининг фармойишида қайд этилганидек, келгуси йил мўл ҳосили учун қўйиладиган дастлабки пойдевор — кузги шудгорлашни ўғит солган ҳолда сифатли қилиб ўтказишга ҳамма вақт ҳам эришилаётгани йўқ. Баҳорда чигит экиш муддатлари кечикиб кетаяпти. Баъзи хўжаликларда эса гўзани парвариш қилишда агротехника талаблари қўпол тарзда бузилаётганига қарамай, бу ишни етарли назорат қилиб бормаяпмиз. Сирасини айтган-

да, йиғим-терим пайтида ҳам мавжуд ишчи кучларидан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бу нуқсонлар ишимизда ҳали ҳам хотиржамликка берилиш, лоқайдлик, эътиборсизлик содир бўлаётганлиги, илғор, изланувчан, ташаббус кўрсатиб ишлаётган кишиларнинг тажрибалари оммалаштириб борилмаётганлигини кўрсатади. Тўғри, хўжаликларда бу йил терим техникасидан иложи борица самарали фойдаланишга ҳаракат қилинди. Бироқ машина-трактор паркларни эскириб бормоқда. Саккиз-тўққиз йилдан бери янги техника сотиб олинмаяпти. Эҳтиёт қисмларнинг топилаётгани, техникага хизмат кўрсатиш сифатли ташкил этилмаётгани сабабли кўпгина терим машиналарини ишлатиш ва самарали фойдаланиш мушкул бўлиб қолди. Ана шу жиҳатдан юртбошимизнинг машина-трактор паркларини энг серунум техника билан бойитиш ҳақидаги таклифларини барча хўжалик деҳқонлари катта кўтаринкилик билан қўтиб олдилар.

Экинлар уруғлиги масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турипти. Биз бу муаммони изчиллик билан ҳал этишнинг самарали усулларини қўллаяпмиз. Туманимизда уруғчилик корпорацияси ташкил этилди. Унга Акмал Икромов номли, «Ҳақиқат», «Гулистон», «Қайтмас», «Истиқбол» хўжаликлари аъзо бўлиб кирдилар. Корпорация туманимиз шароитига мос бўлган пахта ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш билан шуғулланади. Булардан ташқари унинг ихтиёрида уруғни қайта ишлайдиган ва меёрига етказиб берадиган махсус завод ҳам барпо этилади. Корпорацияга аъзо бўлган хўжаликларнинг барчаси ҳозирданок ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда.

Юртбошимиз Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлганларида деҳқонлар учун энг муҳим бўлган вазифалар сирасида ҳосилни иложи борица эрта етилтириб, йиғим-теримни октябрь ойида тугаллаш ҳамда ноябрь ойида ерни ҳайдаб, келгуси йил учун ҳозирлаб қўйиш зарурлигини таъкидладилар. Бунинг учун эса биринчи навбатда чигит экишда андижонча усулни кенг қўлланишимиз, экишни март ойидаёқ тугаллашимиз лозим. Биз келгуси йилда ана шундай иш-лашга қарор қилдик.


Туманда иш олиб бораётган 3 та комиссия шу кунларда барча экин майдонларини тафтиш қилиш ва тартибга солиш, деҳқон фермер хўжаликларининг ишини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, мулкни тасарруф этиш ва пайчиликни жорий қилиш, иқтисодий муносабатларни шакллантириш вазифаларини ўрганмоқда. Дастлабки хулосалар шуни кўрсатадики, бизнинг шароитимизда деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда, даромадни тақсимлашда пайчилик усули устун бўлиб қолади.

Юқорида айтилганидек, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ҳаётимизда туб бурилиш ясашга замин яратди. Биз ана шундан келиб чиқиб, барча соҳаларда фаолиятимизни қайта куриб ола-япмиз. Зеро, бугунги ҳаёт талаби ҳам ана шундай.

Қаюмбой ДЕҲҚОНБОВ,
Ўртачирчиқ тумани ҳокими.

ТУМАН хўжаликлариде етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда техниканинг хизмати катта бўлди. СУРАТЛАРДА: механизатор Нуриддин Абдиев (юқорида), у «Кейс» русумли машина билан «Қорасув» деҳқон-фермер хўжалигида 200 тонна пахта терди. Пастдаги суратда: «Кейс» терим пайтида. Ўнгдаги суратда эса Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш муҳандислари институтининг ўқув тажриба хўжалиги механизаторлари Оққул Тожиёв ва Улуғбек Абдуқодировлар. Улар шу кунгача машина билан 90—100 тоннадан пахта териб топширишди.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.





СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Добры Ушинон

АТРОФ-МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК

Вилоятимизда «Экология ва саломатлик» кунларининг жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган иккинчи босқичи самарали якунланди

КАТТА ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу босқич июнь, июль ва август ойларини қамраб олди. Вилоятдаги барча шаҳарлар ва туманлар меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллалар унда фаол қатнашдилар. Ҳамма жойда истиқомат қилиш учун қулай муҳитни яратиш, санитария-гигиена меёрларига амал қилиш бўйича ишлар олиб борилди. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик юзасидан ҳудудларни ободонлаштиришга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Барча шаҳарлар ва туманларда экология ва саломатлик кунларини ўтказиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилди ва улар фаолият кўламини кенгайтириб бормоқдалар. Бу гуруҳларнинг кўпчилигига бевосита ҳокимларнинг ўзлари раҳбарлик қилмоқдалар. Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари ҳамда Куйичирчиқ, Уртачирчиқ, Паркент ва қатор бошқа туманлар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган ишчи гуруҳлари бў кунларнинг самарали ўтиши учун амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Умуман вилоятимиз бўйича табиатни муҳофаза қилиш ишлари ўз натижасини бермоқда. Вилоятимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 104 фоизни ташкил этгани ҳолда зарарли моддалар ва чиқиндиларни атмосфера ҳамда сув ҳавзаларига чиқариш кўпаймади. Ҳатто йirik санаот марказлари ҳисобланган Бекобод, Чирчиқ, Янгийўлда ҳавони ифлослантириш даражаси меёрдагидан ҳам камайди.

Иккинчи босқичда сув ҳавзалари ва манбаларини тоза сақлашга катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам давлат ичимлик тармоқлари орқали аҳолига етказиб берилаётган сув сифати ортиди. Агар илгари оби-ҳаётнинг бактериологик ифлосланиш даражаси 0,25 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ёзида у тўла бартараф этилди. Идораларга қарашли ичимлик сув тармоқларида ҳам бактериологик кўрсаткичлар 2,5 фоизгача ка-

майди. Сувни тозалаш учун озонлаштириш, электромагнит қурилмаси каби самарали усуллар жорий қилинди.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор чоралар кўрилди. 3 та янги артезиан қудуғи фойдаланишга топширилди. Улардан бир кеча-кундузда 10 минг куб метр сув чиқариб олинмоқда. Чиноз туманида қурилиши тўхтатиб қўйилган Олмазор сув ажратиш иншоотини тиклаш ишлари тугалланди. Бўка, Янгийўл, Фазалкент шаҳарларида сув таъминоти иншоотлари қурилиши фаол олиб борилмоқда. Бу шу ҳудудлар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилади. Айни вақтда Чимён-Бақачўл сув таъминлаш мажмуи кенгайтирилмоқда. Пскент, Тўйтепа шаҳарлари, Қибрай қўрғонидаги ичимлик сув тармоқлари қайта қурилмоқда. Қатор сув ажратиш иншоотлари ҳам таъмирланяпти. Вилоят бўйича эскириб қолган 6,5 километр узунликдаги сув тармоқлари қайтадан тикланди. Иккинчи босқичда Янгийўл шаҳри ва туманида СЭСлар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш муассасалари оқаваларини текшириш ишлари амалга оширилди. Касалхоналарнинг бундай сувлари мавжуд тозалаш иншоотларига қўшиландиган бўлди. Шаҳарни турли рўзгор супуриндилардан тозалаш ишига автосаройлар ва корхоналар жалб қилинди. Натижада шаҳар бундай чиқиндилардан тозаланди.

Экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичида

Ангренда кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва майдонларнинг экологик, эстетик ва санитария ҳолатини яхшилаш учун қатор шанбаликлар ва санитария кунлари ўтказилди. Шаҳар ҳудуди барча корхоналар ва ташкилотларга бирикитилди. 50 дан ортиқ меҳнат жамоалари ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Шаҳардаги айрим корхоналар жамоалари бу хайрли ишга ўз маблағлари ва ишчи кучлари билан салмоқли ёрдам бермоқдалар.

«Элерем», «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссдорлик жамиятлари жамоалари бу ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бу корхоналарда ерга бўлган муносабат тубдан яхшиланди. «Элерем» ҳиссдорлик жамиятида бир вақтлар ахлатхонадан иборат бўлган бир неча гектар ер майдони тозаланиб, бу ерда ажойиб боғ барпо этилди. «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссдорлик жамиятида эса шу корхонанинг чиқиндисини уйиб қўйилган 40 гектарга яқин ер майдони тозаланиб, боғга айлантирилди.

Куйичирчиқ туманида аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан тушунтириш ишлари муттасил олиб борилмоқда. Тумандаги биология фабрикаси жамоасининг самарали ишини қайд қилиш лозим. Бу ерда табиатнинг биологик химоячилари ҳисобланган бракон, трихограмма, олтинкўз ҳашаротлари етиштирилди ва улар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Корхона жамоаси тайёрлаган махсулотни фақат Куйичирчиқ тумани эмас, айни вақтда Янгийўл ва Бўка туманлари жамоа хўжаликлари ҳам ўз эҳтиёжлари учун ишлатмоқдалар. Бу заҳарли моддаларни ишлатишни камайтиришга, аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилади.

Паркент туманида дам олиш минтақалари — болалар оромгоҳлари, дам олиш уйла-

ри, қишлоқларда санитария меёрларига риоя қилиш, уларнинг экологик ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор берилди. Экологлар ўнлаб корхоналар, маҳаллалар, оромгоҳларда бўлдилар. Уларнинг ташаббуси билан кўп жойларда ҳудудларни тозалаш бўйича ҳашарлар уюштирилди. Ободонлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

Бу йил Уртачирчиқ тумани ўзининг 70 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган кўпгина чоралар кўрилди. 8 та йirik санаот корхонасида чанг-газини тозаловчи қурилмалар ўрнатилди. Натижада заҳарли моддаларни атроф-муҳитга тарқатиш камайди. Тўйтепа маккажўхорини саралаш заводида ҳозирги вақтда шундай қурилмалар билан жиҳозлаш 100 фоизга етди. Бу йил 7 та корхонада 112 та табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва бунинг учун 419 минг сўм маблағ сарфлаш назарда тутилган эди. Амалда ҳозиргача 808 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Иккинчи босқичда Туябўғиз қўрғони, Тўйтепа металл конструкциялари заводи, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги, ТИИМСХнинг ўқув хўжалиги, Ойбек маҳалласи энг яхши натижаларга эришдилар. Туман қишлоқ жойларида атроф-муҳитни ва кишиларни соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган «Маҳалла» дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Вилоятимизнинг барча шаҳарлари ва туманларида иккинчи босқич озми-кўпми ўз самарасини берди. Шунинг учун ҳам кўпчилик меҳнат жамоалари «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказишни анъанавий бўлиб қолиши ҳақида истак билдирмоқдалар. Биз бу таклифни тўла қўллаб-қувватлаيمиз. Яна бир хулоса шуки, вилоятимизда табиат химоячилари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир экология масалаларига бефарқ қарайдиган кишилар умуман қолмади, десак ҳам бўлади. Чунки бундай тадбирларнинг амалга оширилишидан асосий мақсад инсоннинг саломатлигини, соғлом турмуш кечиришини таъминлашдир.

Тургун ЭРГАШЕВ,
табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасининг раиси.

Куюнчак
газетхон фикри

ХАЗОННИ АСЛО ЁҚМАНГ!

КУЗ бошланди. Далаларда йигим-терим ишлари авжида, боғ-роғларда пишиб етилган ширин-ширин мевалару узумлар кўзни қувонтирмоқда. Айни вақтда тилла ранг хазонрезгиллик ҳам кун сайин қенгаймоқда. Олди дарахтларнинг барглари олтин тусга бурканиб, ер юзига бирин-кетин тўкиляпти. Бу табиат қонуни.

Хазонларга кўпинча чиқинди сифатида қараймиз. Шунинг учун уни ҳатто ёқиб ҳам юборамиз. Бу билан табиатга катта зарар етказётганимизнинг фарқига бормаймиз. Уларни ҳатто боғларда, ўрмонларда, дарахтзорларда ўз холига ташлаб қўйишдан ҳам тийинаолмаймиз. Аслини олганда хазонлар табиат учун, борлиқ учун, жонивору ўсимликлар учун ҳам керак. Улар остида қанчадан-қанча, айниқса, кўплаб фойдали кўз илгамас жониворлар киш соғуғини ўтказишади. Хазон табиий ўғит ҳисобланади. У ётган жойида чириб, тупроқни бойитади. Пайдо бўлган хазон қатлами қишда ва баҳорда сув режимини тартибга солиди. Пуқак сингари намни ўтиб, кейин уни аста-секин ўсимлик илдизига узатади. Хазоннинг шу каби хислатларини яна санаш мумкин. Лекин шунинг ўзи ҳам етарли деб ҳисоблаймиз.

Шундай экан, нега хазонни ёқиб юборишимиз керак. Бу табиатга нисбатан зараркунандаликдан бошқа нарса эмас. Уни ёққанда атроф-муҳитга катта зарар келтиришини ҳам ҳисобга олиш керак. Унинг тўтуни ҳавони ифлослантиради. Турли зарарли моддалар тарқатади. Бу барча жониворлар, айниқса, инсонга ёмон таъсир қилади. Унинг нафас олиш йўллариининг касалланишига, турли аллергия бетобликларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам хазонни ҳеч вақт ёқманг. Керак бўлмаса, бир жойга тўплаб қўйинг. Дарахтлар тагига ташланг, ўра қилиб солиб қўйинг шунда фойдали ўғитга айланади.

Даврон ТЕМИРОВ,
халқ маорифи аълочиси.



Чирчиқ дарёси унинг соҳилларида жойлашган шаҳарлар ва қишлоқларни оби-ҳаёт билан таъминлайди. Ушбу суратда унга қурилган сув ажраткичлардан бирини кўриб турибсиз.

Владимир ГРАНКИН оingan сурат.

• Текширув нималарни кўрсатди? • Кўп дардга даво • Узимиздан чиққанига нима етсин • Ноз-неъматлар — эл дастурхонига

БАРЧА ИМКОНИАТЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят кўмитасининг жорий йилнинг тўққиз ойидаги иши яқунлари, «Тоза ҳаво» тадбирининг натижалари, табиий муҳитга чиқиндилар чиқарилиши устидан таҳлилий назорат олиб борувчи ҳудудлараро ихтисослашган нозирликларнинг иши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда қайд қилинганидек, вилоятда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг барча асосий йўналишлари бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида экологлар 2100 та корхона, ташкилот, муассасаларда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига амал қилинишини текширдилар. 2223 та шундай тадбир амалга оширилди. Текшириш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Уларнинг ярмидан кўпроги ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйилди. Қолганлари қаттиқ назорат остига олинган. Қонунларни кўпол равишда бузилишига йўл қўйган шахслар турлича жазоландилар. Салкам 500 нафар мансабдор ва масъулиятли шахсларга 540,8 минг сўм жарима солинди. Унинг 340 минг сўми ундириб олинди.

Қатор ҳолларда технологияни кўпол равишда бузиб табиатга катта зарар етказилганлиги қайд қилинди. Булар оқибатида ифлослантирувчи моддалар таркибида меёрдан анча кўп бўлган оқавалар сув ҳавзаларига оқизиб юборилган. Уларнинг айбдорларига нисбатан чоралар кўрилди. Корхоналарнинг масъул ходимлари маъмурий жавобгарликка тортилдилар. 15 киши ўз ҳаменидан 18 минг 100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра табиатга етказилган зарар 1041,5 минг сўмни ташкил этган. Сув ҳавзаларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун товон тўлаш юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шу даврда табиий муҳитни ифлослантирувчи

моддаларни чиқаришни камайтириш, турли конларда қазиш ишларини тартибга солиш, чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган иш олиб борилди. Бу амалда ўзининг самарасини кўрсатди. Чунинчи, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси меёрда белгиланганидан ошмади. Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида ҳам чангнинг ҳавога чиқарилиши деярли шундай бўлди. Энг муҳими вилоятда сув ҳавзаларининг ифлосланиш даражаси кескин камайди.

Мажлисда сўзга чиққан нотиклар вилоят минтақаларида экологик аҳволни яхшилаш имконини берадиган, бироқ шу вақтгача фойдаланилмай келаётган омилларни кўрсатиб ўтдилар. Бу йил вилоятнинг 17 та корхонасида табиатни муҳофаза қилиш иншоотлари қурилишида 272,5 миллион сўм маблағ ўзлаштириш назарда тутилган эди. Ўтган ярим йилликда 42,713 минг сўмлик иш бажарилди. Биринчи навбатда экологик зарур объектларни ишга тушириш лозимлиги қайд қилинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида кислород — шуъладан фойдаланиб, мис эритишга мўлжалланган янги печ қурилиши судралаётганлиги алоҳида қайд қилинди. Ваҳоланки уни фойдаланишга топшириш билан атмосфера ҳавоси кескин тоза бўлиши мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳавога олтингурут ангидридини чиқариш 65 минг тоннага қисқаради. Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам нитриденитрификациялаш қурилмасини ишга тушириш оқва сувларнинг тозаланиш даражасини меёрий кўрсаткичларга етказиш имконини беради. Шунинг учун

бу иншоотларни тезроқ қуриб битказиш учун барча зарур чораларни кўриш лозим.

Мажлисда республика Олий Мажлисининг Ўзбекистон давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси иши тўғрисидаги ҳисобот бўйича қабул қилган қарори ва тавсияларини амалга ошириш, шу асосда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора тадбирларнинг амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Вилоят шаҳарлари ва туманларида мувофиқлаштириш кенгашларининг янги таркиблари тасдиқланди, улар бу ишда бош-қош бўлишлари лозим. Жойларда бошқа назоратчи идоралар билан ҳамкорликда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишни янада фаолроқ ташкил этиш тавсия этилди. Мувофиқлаштирувчи кенгашлар орқали жамоатчиликни экологик муаммоларни ҳал қилишга кенг жалб қилиш мумкин.

Вилоят шаҳарлари ва туманларида «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилмоқда. Бу ишни экологлар «Ўзнефтгаз» инспекцияси, ДАН ходимлари билан биргаликда олиб бормоқдалар. Ҳисобот даврида бу тадбирнинг икки босқичи яқунланди. Улар давомида деярли 3200 та автомашинанинг ҳавога газ чиқариши текширилди. Уларнинг 474 тасида захарли моддалар меёрдан анча кўп чиқётганлиги аниқланди ва бу нуқсонларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилди.

Йил бошидан бери 4 та ҳудудлараро ихтисослашган экологик таҳлилий назорат инспекциялари ташкил этилди.

Ҳозир улар ўз ишларини фаол бошлаб юбордилар. Шу вақтгача кенг кўламда таҳлилий ишлар амалга оширилди. Уларнинг сони мингтага яқинлашиб қолди. Оқар сувлар, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи ва тупроқнинг таркибини бузувчи кўплаб манбалардан намуна олиб, текширилди. Лекин бу инспекциялар иши ҳали талаб даражасида бўлмаётганлиги ҳам таъкидланиб, уни янада жонлантириш юзасидан йўл йўриқлар белгиланди.

Мутахассис фикр билдиради

Автомобиль транспорти ва мосламалар бизнинг республикада ҳокончиликда қамизда ишлаб чиқарилмайди. Фойдаланилаётган турли-туман Уни хорижий мамлакатлардан, қишлоқ хўжалик машиналари ат-асосан Россиядан келтиришга роф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳисобланади. Зеро улар турли захарли моддалар чиқаради. Унинг олдини олиш учун ёнилғи насослари ва фурсункаларни, шунингдек, карбюраторларни доим сошлаб туриш лозим. Бунинг учун махсус стендлар жиҳозланиши, шунга мўлжалланган асбоб-ускуналар лозим. Лекин, ҳозирги вақтда уларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмапти. Чунки, бундай

ШУНДАЙ ЗАВОД ЗАРУР

нархи ҳам арзон ва бемалол бўлиб қолади. Бу билан республикамиз ҳавосини тоза ҳолда сақланишига катта ҳисса қўшиладиган бўлади.

М. МҲЙДИНОВ,
муҳандис-эколог.





Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институтига қарашли боғлар, токзорларда бу йил етмиштилган ноз-неъматларни териб олиш ниҳоясига етмоқда. Улар пешма-пеш қишда сақлаш учун омборхоналарга жойлаштириляпти. Суратларда: институт раҳбари академик Маҳмуд Мирзаев ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маҳдий Раззоқовлар беҳизорни кўздан кечирмоқдалар; соҳибкорлардан З. Юнусова ва Б. Солиҳовалар (юқорида) узум саралашяпти. Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Табиатнинг ўзи табиб

ГУЛИРАЙҲОН

Ҳар кимнингки ичи оғриқ бўлса, шишса гулирайхонни сурса даф бўлғай. Агар гулирайхонни този ёғи бирлан соч-соқолига сурса, бисёр қора бўлғай. Агар кичик бола уйқусида кўрқадиган бўлса, бир мисқол гулирайхонни юмшатиб, бир мисқол турп бирлан пишириб еса, кўрқмағай. Агар гулирайхонни юмшатиб, офтобда қури-тиб, қулоғига томғизса, қулоқ оғриғи даф бўлғай. Агар гулирайхонни мазлумлар вужудига суртса ё қўлига банд қилса, деғу парилар захмат еткурмағай. Боши оғрийдиган кишилар гулирайхоннинг суви бирлан бошини ювса, катта наф кўрғай. Агар киши балиқнинг устхонини майдалаб тева ўтининг икки мисқоли дуди бирлан юзини ювса, фойдаси бисёр бўлур. Қуруғи асал бирлан қўшиб, қонгалаш ва кўкарған жойга суртилади. Шунингдек, у шиллиқли шишларга суртиладиган дори-дир.

«ТУРКИЙ ТИБНОМА» китобидан.



• Мусаффоликни таъминлашнинг муҳим омили • Ов мuddатини унутманг • Богда суҳбатнинг гашти ўзгача

Сўраган эдингиз

Давлат экология экспертизаси ташкилотларининг вазибалари нималардан иборат? Улар қандай иш билан шуғулланадилар? Газета саҳифаларида шу ҳақда мақола беришингизни илтимос қиламиз.

Мансур ҲАЙДАРОВ,
Олмалик шаҳри.

Жамоатчи мухбиримиз Чара Ивановна Перепелицина бу саволга жавоб олиш учун Тошкент вилоят давлат экология экспертизаси раҳбарининг биринчи ўринбосари Ф. А. Жўраевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— **Ғайбулла Абдуллаевич,** давлат экологик экспертизасининг мақсадлари ва объеклари ҳақида газетхонларга гапириб берсангиз.

— Давлат экологик экспертизаси бизни ўраб олган табиатни муҳофаза қилишнинг асосий ва мажбурий чораларидан ҳисобланади. Бу иш Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш кучларининг ва халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, барча қурилишлар учун ер майдонларининг яроқлилигини аниқлаб бериш, лойиҳа ҳужжатларини текшириш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд корхоналар ва бошқа объектларнинг экологик ҳолатини текшириш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг олдини олиш ва бошқа ишлар билан шуғулланади. Ҳар бир лойиҳа давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Тошкент вилоят давлат экологик экспертизаси

ҳақидаги низом шу йилнинг 7 мартда кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Вилоят экспертизаси таркибига тажрибали экологлар киритилди. Бундан ташқари, экологик экспертизанинг сифатли ва кўнгилдагидек олиб борилиши учун таниқли

лар ажратиш бўйича 183 та ва бошқа шу каби ҳужжатлар кўриб чиқилди. Уларнинг кўпчилиги экспертизанинг ижобий хулосасини олди. Лекин айримларига бундай хулоса бериш мумкин бўлмади. Бунинг кўпгина сабаблари бор. Айниқса қурилиш учун ер майдонининг санитария муҳофаза минтақасида жойлашганлиги эътибордан четда қолмади.

Масалан, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари учун Қибрай туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалигида яқка тартибда уй-жой қуришга 12 гектар суғориладиган ер ажратилиши

ни юқори вольтли электр ўзатиш линияси тагида ҳамда шох автомобил йўлига жуда яқин жойлашган эди. Экспертларимиз ўзларининг ана шу ишлари билан келажақда содир бўладиган оғир жароҳатларнинг олдини олмақдалар.

Экспертларимиз вилоятнинг барча шаҳарлари ва туманларида бўлиб, хўжаликлар ва ташкилотларга қурилишнинг турли босқичларида зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Уларнинг фаол иштироки билан Пскентда йилига 1,1 миллион метр брезент тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ишга туширишда барча зарур экологик талабларга риоя этиш масаласи ҳал қилинди. Уртачирқик туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида гишт цехи, Чирчиқ шаҳрида қатор кўп қаватли уй-жойлар, Паркент туманининг Заркент қишлоғида нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ва бошқа объектларда экологик талабларга тўла риоя қилинишини таъминлашга эришдилар.

Ҳали олдимизда катта вазибалар турипти. Биз вилоятдаги барча мавжуд корхоналарни экологик экспертизадан ўтказишимиз керак. Ҳозир уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини аниқ баҳолаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар ниҳоясига етказилгач экспертизани бошлаб юборамиз.

Экологик экспертиза бу фақат бугунги кун ҳақида эмас, шу билан бирга келгуси авлодларнинг ҳаёт шароитлари яхши бўлиши ҳақидаги ғамхўрликдир. Чунки атроф-муҳит қанчалик кам ифлослантирилса кишилар саломатлиги шунча яхшиланади. Шунинг учун ҳам биз ана шу хайрли, шарафли ва айни вақтда масъулиятли йўлда кўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА — ДАВР ТАЛАБИ

олимлар ва тажрибали хўжалик раҳбарлари ҳам жалб қилиб турилади. У хўжалик ҳисобида ва ўзини ўзи маблағ билан тўла таъминлаш асосида ишламоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, шуни эслатиб ўтмоқчиманки, объектларни экологик экспертизадан ўтказиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир. Экспертизанинг ижобий хулосаси бўлмаса банк шундай ишларни маблағ билан таъминлаш учун сармоя ажратмайди.

— **Жорий йилнинг ўтган даврида экологик экспертиза соҳасида олиб борилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

— Шу йилнинг биринчи ярмида янги иншоотларни қуриш ва мавжудларини қайта қуриш бўйича 32 та лойиҳа материаллари, қурилишлар учун майдон-

рад этилди. Бунинг сабаби ер майдонининг суғорилишида эмас, унинг корхона, қуёв ишлаб чиқаришининг санитария муҳофаза минтақасига жойлашганлиги эди. Чунки қуёв цехи атроф-муҳитга, жумладан, уй-жой қурилиши мўлжалланган майдонга кўлаб захарли моддалар таркатади. Бундай жойда уй-жой қуришга рухсат бериш мумкин эмас. Чунки у истиқомат қилувчиларнинг саломатлигига зарар етказиши. Экологларимизнинг таклифи билан бундай ер майдони бошқа ҳавфсиз жойдан ажратилди.

Фуқаро Е. А. Ли Зангиота туманидаги «Мустақиллик» жамоа хўжалигида умумий овқатланиш ва бинокорлик материаллари сотиш учун ошхона ва дўконлар қурмоқчи бўлди. Лекин бунга ҳам рухсат бермадик. Чунки ажратилмоқчи бўлган ер майдо-

ИШҚИБОЗЛАР ОВГА ЧИҚДИ

КУЗ келиши билан сув қушларини ов қилишга рухсат берилади. Бу ниҳоятда ҳузурли ва қизиқарли иш билан шуғулланаётган ов ишқибозларини вилоятимизнинг сув ҳавзаларида кўплаб учратиш мумкин. Афсуски, уларнинг орасида бу ов тартибини билмайдиганлар ҳам топилади. Унинг меёрлари ва мuddатлари ҳақида сўзлаб бериш учун овчилар ва балиқ оловчилар Тошкент бирлашмасининг овшуноси Б. Акбаровга мурожаат қилдик:

— Ўлкамизда сув қушларини ов қилиш кенг тарқалган, — деди у. — Албатта, бунинг учун маълум мавсум белгиланган, қишин-ёзин уларни овлаш, мумкин эмас. Бу йил 13 сентябрь билан 28 декабрь оралиғи белгиланди. Шу даврда сузувчи қушлар — барча турдаги ғозлар, ўрдақлар, қашқалдоқлар, қорабузовлар ва бошқа шу қабиларни ов қилишга рухсат берилади.

Республикамизда сузувчи қушлар дунёси бой ва рангбаранг. Лекин уларни ҳудудбеҳудага отаверишдан тийилиш лозим. Овга қизиқиш яхши, аммо унинг белгиланган меёрига ҳам амал қилиш талаб этилади. Овга чиқишдан олдин овчилар ва балиқ тутувчилар жамиятидан йўлланма олиш кераклигини унутмаслик лозим. Шундай ҳужжати бўлмаган ов ишқибозлари зарарқунанда ҳисобланади ва қонун олдида жавобгарликка тортилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни отиш учун ҳақ тўлаш тартиби жорий қилинган. Шунинг учун у ёки бу қуш туридан нечтасини отмоқчи бўлсангиз, шунга яраша унинг ҳақини тўлаб қўйишингиз керак.

Ов ишқибозларига яна бир янгиликни маълум қилмоқчимиз. Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг буйруғи билан аср охиригача сони камайиб кетган айрим ёввойи ҳайвонлар ва қушларни ов қилиш тақиқлаб қўйилди. Чунки, мамлакатимизнинг бутун ҳудудида тустовуқларни овлаш мумкин эмас. Фақат «Далварзин» ва «Сретенка» овчилик хўжаликлари бундан мустақнодир. Тошкент вилоятида ҳайвонлар ва тоғ эчкиларини отиш ман қилинди. Фақатгина «Ақча» ва «Қурама» овчилик хўжаликларидан рухсат олиб бу жониворларни овлаш мумкин. Ҳар ҳафтанинг маълум кунларида ёввойи қушларни ов қилишга рухсат йўқ. Бу йил ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанбаси шундай кунлар қилиб белгиланган. Ов қилиш ишқибозларининг шу тартибларни унутмасликларини истар эдик.

Суҳбатни **М. МАҲМУТОВ** ёзиб олди.

Бу қизиқ СУЮҚ ТОШ

БУ ажойиб суюқлик Польшада ҳосил қилинди. У идишга солиниб, чайқатилар экан, ҳолатини ўзгартирмайди. Лекин, чайқатишни тўхтатиш билан оқ суюқлик қотиб, тошга айланади. Идиш яна чайқатилди дегунча, тош суюлади.

АВТОРУЧКА ҚАЧОН ЯРАТИЛГАН


АВТОРУЧКА ҳозирги замон ёзув қуролидан бири бўлиб, у айниқса, кейинги йиллар мобайнида жуда кенг тарқалди. Арманистондаги Метандаран деб аталувчи қадимги қўлёзмалар ҳазинасида авторучканинг 800 йилдан бери маълум эканлиги аниқланди.



БУНДАН тўрт йил аввал ана шундай чойхонада ҳузур қилиб, ҳордиқ чиқариш бир орзу эди. Йиллик ҳисобот йиғилишида Тошкент туманидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарларининг оталар илтимослари юзасидан берган ваъдалари ерда қолиб кетмади. Хўжаликнинг сабзавот участкасида шинам, ёруғ, ҳовлиси гуллар, райхонларга бурканган фахрийлар чойхонаси қад кўтарди. Суви булоқларники каби тиниқ

ҳовуз бўйига қўйилган қатор сўриларда меҳнат гаштини сураётган отахонлар ором олиб, юртда тинчлик барқарорлигидан, оилалар файзи-ю турмуш мазмунидан, истиқлол шарофатидан кўнгиллари чоғ бўлиб, далаларда, боғларда ноз неъматлар яратаётган фарзандлари ҳақида дуолар қилиб, суҳбатлашиб ўтирадилар.

Суратда: меҳнат фахрийлари Эргаш Абдуллаев, Орифжон Қосимов, Толиб Йўлдошев, Маҳаммадхон Ҳокимовлар бир пиёла чой устида. Владимир Гранкин олган сурат.



• Истироҳат маскани аянчли аҳволда • Ғайриоддий кашфиёт • Мумтоз муסיқа шарофати • Аёлларга балли! •

МИНГЧИНОРНИНГ МИНГ БИР ДАРДИ

БИР ПАЙТЛАР Бўка шаҳрининг ғарбида жойлашган «Мингчинор» истироҳат боғи туман халқини кунда ва катта-катта байрамларда маданий хордиқ чиқарадиган маскани эди. Бир неча ўнлаб шийпонлар, бостирмалар, ёзги кинотеатр ҳар хил аттракцион ўйинлар, ёзги таътилда болалар оромгоҳи бўладиган истироҳат боғини ҳозирги қиёфаси эса ачинарлидир. Ўнлаб мавжуд шийпонлардан бирорта ҳам қолмаган. Айтиш мумкинки, эски хусни жамолдан асар ҳам қолмаган.

Ҳозирги кунга келиб «Мингчинор»нинг дарди кўпайиб кетди, лекин уни эшитувчи ташкилот қолмаганга ўхшайди. У туман коммунал хизмат кўрсатиш хўжалиги балансида туради. Бу хўжалик раҳбари Абдуғаффор Юсупов бўлса,

боғдаги дарахтларни ўз ишчиларига кесиш учун рухсат бериб юборибди.

Ҳатто кўкариб турган битта дарахтни кесиш учун рухсат бериладиган бўлса аввало табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ке-


Ташвишли хабар

лишиш лозим. Шундай қилинмаса ғайриқонуний ҳисобланади, унинг айбдорларига нисбатан турли жазо чоралари кўрилади. Коммунал хизмат кўрсатиш хўжалиги раҳбарининг бундай ўзбошимчилиги, буни бошқача аташ мумкин эмас, унга қимматга тушди.

Кўмитамизнинг рухсатини олмасдан дарахт кесганлиги учун туман коммунал хўжалиги бошлиғи А.

Юсуповга 2250 сўм жарима ва айна вақтда келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун 9000 сўм товон пули ундириб олинандиган бўлди. Кўмитамиз томонидан кўрилган ушбу чоралар ҳам «Мингчинор»нинг минг бир дардидан бирига ҳам малҳам бўлолмаса керак деб ўйлаймиз. Ушбу истироҳат боғини олдинги ҳолатига келтириш, туман халқини қадами узилмайдиган масканга айлантириш учун ҳали кўп камчиликларни бартараф этиш, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Тумандаги мутасадди ташкилотлар бу боғга нисбатан муносабатларини кескин ўзгартиришлари керак.

М. ХОЛИҚОВА,
Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.



Куш тилини «куш» билар...

Умид АХМЕДОВ сурати.

«НОЗИК ЭМИШ...»

УЙ-РЎЗҒОР ишлари билан шуғулланувчи аёлларнинг юмушлари кўп ва хилма — хил эканлиги ҳаммага маълум. Олимларнинг уй маликаларининг бандлигини ўрганиш юзасидан ўтказган сўнгги тадқиқотлари кўпчиликини ҳайратга солди. У оддий иш куни давомида иккита футбол матчида ёки велосипедда 80 километрли масофани босиб ўтишда йўқотилган энергияга тенг куч-ғайрат сарфлар экан.

Бу иш билан шуғулланган италян илмий-тадқиқот институти олимлари куйидаги иш турларини — сотиб олинган маҳсулотлар солинган халтани кўтариб юриш, полни ювиш, хонани саранжом-саришта қилиш, болаларга қарашни ҳисобга олганлар. Бунда одатда ҳар ойда бир-икки марта бажариладиган ишлар (ойналарни ювиш ёки гиламларни қоқиш) кирмаган. Шарт-

ли саккиз соатли иш охиригача уй маликаси 1582 кило калория йўқотади. Италиялик хизматчи эса иш куни охиригача ўртача 830 ккал, яъни хотинига нисбатан икки баравар кам энергия йўқотади. Шунинг учун ҳам тажрибада қатнашган аёллардан бирининг эри қаттиқ таажубланган ҳолда бундай деди: «Кечкурун уйга хориб қайтганимдан кейин эндиликда овқат, шиппакларимни келтир ва телевизор олдига ўтказиб қўйинглар, деб талаб қилишга журъат этолмайман. Узим ҳам уй ишларини бажаришга киришаман».

МАТОХЎР ЧУМОЛИЛАР

ЖАНУБИЙ Америка мамлакатларида тропик ҳашорат — термитлар яшайди. Гоҳида уларни «оқ чу-

молилар» ҳам деб аташади. Бундай очкўз чумолилардан курувчилар додга келган. Уларнинг энг яхши кўрган емишлари — тахталар, тўсинлар, шпаллар, устунлардир. Улар дарахтларни ичидан кемиради ва юпка «девор» қолдиради.

Термитлар қоғозларни ҳам, ҳатто ип газмолларни ҳам паққос туширишдан қайтмайди. Машҳур немис сайёҳи Александр Гумболът ўз вақтида Жанубий Америкада ярим аср сақланган китобни камдан-кам кўрасиз, деб ёзганди. Шунингдек у бир сайёҳ ҳақида хикоя қилиб, бундай деган эди: у тасодифан термитхона устида ухлаб қолиб, эрталаб уйғонганда ханг-манг бўлиб қолади, чунки қипялонғоч эди. Очкўз «оқ чумолилар» унинг кийимини паққос туширган эди.

ҚўША ҚАРИГАНЛАР

ЮЗ ЁШЛИ эр-хотин Ли Гуанхай ва Ван Фанчэнларни қўша қариганлар дейиш мумкин. Хитойнинг жанубий-шарқий вилояти Фуцзянда истиқомат қилаётган бу кимсалар яқинда бир ёстиққа бош қўйганларининг 82 йиллигини нишонладилар. Уларнинг бундай узок умр кўришларининг сири нимада? Мутахассислар асосан овқатланишларида бўлса керак демоқдалар. Эр-хотин ҳар куни мунтазам уч маҳал овқатланишади. Нонуштада ҳар бири учта-тўртта тухум ва албатта гуруч тановул қилади. Тушлик эса киши бошига еттига-саккизга ёғлик жаз, ҳамда ярим килограмм иссиқ гуручдан иборат бўлади. Кечкурун эса улар иштаҳа ва кайфиятга қараб овқатланадилар.

ТОВУКЛАР ҲАМ ЁҚТИРАРКАН

ИСРОИЛДАГИ паррандачилик хўжалиklarининг бирида товуқлар тухум қилишни кескин камайитириб юборди. Фермерлар жуда кўп уринишди, дон беришни кўпайтирдилар, унга турли хил озуклар қўшдилар, ҳатто улар учун махсус сайр қилиш майдони ажратдилар, табиат қўнида бўлса тухумни кўпроқ қилишар деб ўйладилар. Бироқ, бу уринишлар ҳеч қандай натижа бермади. Паррандабоқарларнинг инкирозга учраши хавфи туғилди.

Бир руҳшунос уларнинг жонига оро кирди. У ҳозирги вақтда тиббиётчилар одамлардаги руҳий зарбани бартараф этиш учун муваффақиятли фойдаланаётган усул... мумтоз муסיқани қўллашни маслаҳат берди. Тушкунликка тушган фермерлар энг янги Япония аппаратураларини, Чайковский, Мендельсон, Вивальди ва бошқа бастакорларнинг мумтоз асарлари ёзилган компакт дискаларни сотиб олдилар. Муסיқа кучли қарнайлар орқали эшиттирилиб турилди. У паррандаларга маъқул бўлди шекилли товуқларнинг тухум қилиши кескин кўпайди. Эндиликда бу қимматли тажрибани ўрганиш истагида фермага ташриф буюраётганларнинг кети узилмаяпти. Нима учун мумтоз муסיқани товуқлар ёқтириб қолишди? Бу сирлигича қолмоқда. Унинг сабабини ҳеч ким тушунтира олмапти.

КИМ ҚАЙСИ МЕВАНИ ТАНОВУЛ ҚИЛАДИ

АМЕРИКАЛИК руҳшунос олим И. Канн ғайриоддий кашфиёт қилди. Кишиларнинг у ёки бу мевалар, ре-

завор мевалар ва сабзавотларни тановул қилишни ёқтириши уларнинг муайян тавсиф хусусиятларига боғлиқ экан.

Олмани маъқул кўрадиган одамлар одатда тиришқоқ ва эскиликка берилганроқ бўларкан. Раҳбарликнинг ҳарқандай топширигини бажариш учун куйиб-пишиб ҳаракат қилади. Бананни хуш кўрувчилар эса юмшоқ табиатли ва ён босадиган, айрим ҳолларда ҳаёлга берилувчан эканлар. Узумга ишқибозлар эса сир сақлашни биладилар. Шафтолини ёқтирувчилар нозик дид, шоир қалб кишилардир. Бирок ҳаммадан ҳам кўра нокка беварқ қарамайдиганлар билан дўстлашиш керак. Улар босиқ дўст бўладилар. Банан ёки олмани ейишга беварқ қаровчиларнинг тавсифи ҳақида эса бирор очикроқ фикр айтиш қийин.

АВСТРАЛИЯ... ТУЯ СОТМОҚДА

БИР ВАҚТЛАР Австралияга келтирилган куён ва қўйлар бу мамлакат шароитларига жуда ҳам мослашиб кетдилар. Бу китъада туялар ҳам ўзларини яхши ҳис қиладди. «Сахро кемалари» деб юритилувчи бу жониворлар мамлакатга 1860 йилда келтирилган эди. Уша вақтда улардан сахролар бир-биридан ажратиб қўйган шаҳарлар ўртасида юк ташиш учун фойдаланилган. Ҳозирги кунда бу ердаги туялар сони сал кам 200 мингтани ташкил этади. Уларнинг айримлари ёввойилашиб кетди ва инсонлардан узокдаги сахроларда яшайди.

Яқинда туяларда пойга ўтказилди. Бу ғаройиб мусобақа туяларнинг энг яхшиларини танлаш ва кейинчалик уларни хорижга сотиш учун ташкил этилди. Австралия ҳозирги вақтдаёқ туяларининг бир қисмини Саудия Арабистонига экспорт қилмоқда.



Кора кулоқ — ҳайвонот дунёсининг нодир жонивори. Даврон АХМАД суратга олган.

«Табиат ва инсон» сатифалари мақолаларини
Тошкент вилоятини табиатини муҳофаза қилиш кўмитаси
ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари ташеърладилар.





ЖАҲОН ЎРМОНЧИЛИК КОНГРЕССИ

◆ ЯКИНДА Туркиянинг Оқ денгиз соҳилидаги Анталья шаҳрида XI-жаҳон ўрмончилик конгресси бўлиб ўтди. Унда 143 мамлакатдан ўрмончилик соҳасининг етук мутахассислари, тадқиқотчилари, экологлари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ФАО — озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти томонидан ташкил этилган бу конгресс доирасида ўрмонларни асраш, ёнғинларга қарши кураш, атроф-муҳит муҳофазаси каби мавзуларда маърузалар тингланди, мунозаралар бўлиб ўтди. Конгресс иштирокчилари Туркиянинг ўрмончилик соҳасидаги тажрибалари билан танишдилар, миллий хўбонларни бориб кўрдилар.

Конгрессда Ўзбекистон ўрмончилик давлат қўмитаси раиси Абдушукур Хоназаров бошчилигидаги хайъат ҳам қатнашди. Махсус кўргазма-стендларида бошқа давлатлар катори Ўзбекистон ўрмончилик маҳсулотлари ҳамда мамлакатимизни танитувчи альбомлар, китоблар, амалий санъат намуналари намойиш этилди. Конгресс доирасида Ўзбекистон хайъати бошлигининг Туркия ўрмончилик вазири Э. Тараноглу билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўрмончилик соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашиш, уруғчилик ва қўчат етиштиришда ҳамкорлик қилиш, табиий офатларга қарши биргаликда курашиш каби масалалар муҳокама қилинди. Учрашув сўнгида Туркия билан Ўзбекистон ўрмончилик давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан протокол имзоланди.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги. Анқара.

ФРАНЦИЯ

◆ **БОШ КОНФЕРЕНЦИЯ** ЮНЕСКОнинг энг олий органи ҳисобланади. Мазкур маҳкамага аъзо давлатлар вакиллари икки йилда бир марта анжуманга йиғиладилар. Унинг навбатдаги 29-сессияси айни кунларда ЮНЕСКОнинг Парижда қароргоҳида ўз ишини давом эттирмоқда. Конференция 12 ноябрдан 186 аъзо-давлатнинг 2 мингдан зиёд намунадалари ҳамда ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлардан юзлаб кузатувчилар қатнашмоқдалар. ЮНЕСКО Бош конференцияси ишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия раиси Алишер Азизхўжаев бошчилигидаги республикамиз делегацияси иштирок этмоқда. Бизнинг мамлакатимиз илгари сурган учта тақдир ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва Бош конференцияда тасдиқлаш учун кун тартибга киритилди. Буюк файласуф, ҳадис илмининг асосчиларидан бири Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, фалакиётчи ва риёзиётчи олим Аҳмад Фарғоний таваллудининг минг йиллиги ҳамда Марказий Осиё халқлари оғзаки адабиёти ёдгорлиги—«Алпомиш» достонининг минг йиллиги билан боғлиқ тадбирлар шулар жумласидандир.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

◆ **ХАВФСИЗЛИК** Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ироққа қарши жазо чоралари масаласида кенгаш аъзолари яқдил фикр билдирмадилар. Лекин, ракетаалар, кимёвий ва биологик қуролларнинг йўқ қилинишини текшираётган БМТнинг махсус комиссияси ишига Ироқда ҳалакат берилса, қўшимча чоралар кўрилиши ҳақида оғохлантирувчи қарор қабул қилинди.

КОЛУМБИЯ

◆ ЯКИНДА АҚШ генералларидан Берри Маккафри Жанубий Америка давлатларидан бири — Колумбияга сафар қилди. Бу зобит Б. Клинтон маъмуриятида гиёҳвандларни тарқатишга қарши кураш масалалари билан шуғулланади. У сафар давомида Колумбия президенти Эрнесто Самперо билан мулоқотда бўлди. Аммо бу учрашувлар Колумбия билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришидан дарак бермайди, деди давлат департаменти вахили Жеймс Рубин.

РОССИЯ

◆ **УРАЛ** минтақавий божхона ходимлари хайрли ишга қўл урдилар. Икки ой муқаддам Кавказ Фукаросига мансуб бир киши хориждан Курьони карим китобини ноқонуний равишда олиб келганда божхона назирлари уларни мусодара этган эдилар. Китоблар эгаси дом-дараксиз кетган, божхоначилар 55 дона Курьон китобини Екатеринбург масжидига совға қилдилар.

ГРУЗИЯ

◆ ЯКИНДА Грузия пойтахти — Тбилисида пианиночиларнинг мусобақаси бўлиб ўтди. Англия, Олмония, Япония, Италия ва бошқа давлатлардан келган номдор созандалар орасида Ўзбекистон вакили — Улуғбек Полвонов ҳам бор эди. Бизнинг вакилимизга омад кулиб боқди. У мусобақанинг олий мукофоти — «Гранпри» совринини қўлга киритди.

ЁРЛИҚ ҚЎЛГА ТЕГДИ

◆ ЯКИНДА Кемеровода бўлиб ўтган губернаторлик сайловларида Омон Тулеев 95 фойиздан ортик овоз олиб, мутлақ ғолиб бўлган эди. Куни кеча шаҳарнинг ҳашаматли саройларидан бирида унга губернаторлик ёрлигини топшириш маросими бўлди. Унда О. Тулеев қасамед қилиб, бутун вужудини халқ фаровонлиги йўлига бахшида қиладиганини айтди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҚАЛМОФИСТОН

◆ ҚАЛМОФИСТОН президенти Кирсан Илюмжинов ғалати бир ғояни амалга оширмоқчи. Гап шундаки, Қалмоғистон президенти бир сўз билан айтганда, катта спорт ҳомийси. Шохмотга доир улкан мусобақаларнинг Элиста шаҳрида ўтганлиги ҳам фикримиз далилидир. Эндиликда К. Илюмжинов аргентиналик машҳур футболчи Марадонани ўз юртига тақдир килмоқчи. Сабаб? Марадона республиканинг «Уралон» футбол жамоасида иккинчи мурабий вазифини адо этиши лозим эмиш. Марадона тажрибаси республика футболчиларига катта наф келтириши мумкин, деб ҳисобламоқда президент.

БОШҚИРДИСТОН

◆ Бошқирдистонда фаолият кўрсатаётган «Оқидел» республика бадмин бirlашмаси аждодларимиздан мерос бўлган, лекин, кейинги йилларда деярли йўқ бўлиб кетган ўтовлар ишлаб чиқаришга киришди. Дастлабки 10 дона маҳсулот қишлоқ ҳўжалиги ходимларига сотилди. Буюртма берувчилар сони кундан-кунга қўпайиб бормоқда. Утовлар юз йил муқаддам қилинганидек, асл хомашёлардан тайёрланмоқда.

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ВА МАИШИЙ ТЕХНИКА

ҚАДИМ замонларда чукур илдиз отган қурилиш ва меъморчилик анъаналари бугунги кунда яна қайтадан жонланмоқда. Янги минг йиллик бўсағасида республикамиз чиройи янада кўркамлашни бораётганлиги бунинг гувоҳидир.

Республикамизда илк бор ўтказилаётган «Construct Central Asia 97» ва «in House 97» халқаро кўргазмалари айнан Ўзбекистон ва хорижда қурилиш саноати нақадар ривожланганини намойиш этади. Мазкур кўргазма анжумани бутун дунёда тўпланган энг илгор қурилиш саноатининг ютуқларини тақдим этар экан, қўлбал етакчи фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик ришталарини боғлашга кенг имкониятлар ҳам очади.

Кўргазманинг бош ташкилотчиси ҳисобланган «Fairtrade» фирмасининг лойиҳа менежери Сюзанна Гретхер хоним оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳузурда сўзга чиқиб, мазкур халқаро кўргазма ҳақида батафсил хикоя қилар экан, унинг олий даражадаги ҳомийлари борлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Кўргазманинг расмий ҳомийси Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Тошкентўйжойинвестқурилиш» молиявий қурилиш корпорациясидир.

28-31 октябрда бўлиб ўтадиган ушбу халқаро кўргазмада дунёнинг 11 та мамлакатидан 34 қатнашчи иштирок этади. Томошабинлар «Ариди Пластик Санайи» АС, «Эгепласт», «Интермар» (Туркия), «Барс» Корпорейшн (Ўзбекистон), СИТЭС (Россия), «Хэпки Колор Вест» (Олмония), «Хилти» АГ (Лихтенштейн), «Лейка» АГ (Швейцария), «Йорк» интернэшнл (Тошкент) каби йирик фирма ва компанияларнинг қурилишга оид замонавий технологиялари билан яқиндан танишадилар.

М. МИРАЛИЕВ.

«ХИНДИСТОННИНГ КАШФ ЭТЯЛЫШ»

Жавоҳарлаъл НЕРУ

БОБУР. ДЕХЛИДАГИ УСТУНЛИК

МАҲМУД Ғазнавийнинг бостириб кириши ажнабийлар, турклар ҳужуми эканлиги ўз-ўзидан маълум. У Панжобни вақтинча Хиндистоннинг бошқа қисмидан ажратиб қўйди. Ун иккинчи асрда келган афғонлар ҳукмронлиги бошқача характерда бўлган. Афғонлар ҳам худди хинд халқи каби хинд-орийлар ирқига мансуб бўлганлар. Узоқ даврлар мобайнида Афғонистон Хиндистоннинг таркибий қисми бўлган. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Афғонларнинг пушту тили асосан санскрит тилидан келиб чиққан. Кўпроқ будда даврига оид хинд маданияти ёдгорликлари Хиндистонга нисбатан Афғонистонда кўпроқдир. Афғонларни хинд-афғонлар деб атамоқ тўғрироқ бўлур эди. Улар Кашмирнинг тоғ дараларида истикомат қилувчи аҳоли иссиқроқ ва текисроқ ҳудудларда яшовчи одамлардан фарқ қилганидек хинд пасттексислигидаги аҳолидан ажралиб турадилар. Бундай фарқлинишга қарамасдан Кашмир доимо хинд фани ва маданиятининг учоғи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундайдир. Афғонлар, шунингдек, улардан маданиятлроқ ва кўпни кўрган араблар ва форслардан ҳам фарқланар эдилар. Улар юртларидаги тоғ

қоялари каби тош-метин, совуққон, даҳшат солувчи эдилар. Улар ақлий машғулотларга, дадил ақлий изланишларга ҳафсаласиз жангчилар эди. Дастлабки пайтларда уларни бўйсунмаган халқ билан босқинчилардек тутдилар, қўполлик ва шафқатсизлик қилдилар.

Бироқ орадан кўп ўтмай қаҳрлари пасайди. Хиндистон уларнинг ватани бўлиб қолди. Маҳмуд давридаги узоқ Ғазна эмас, балки Деҳли уларнинг пойтахти эди. Улар чиқиб келган Афғонистон давлатларининг узоқ бир қисмига айланган эди. Силжиш жараёнини тез амалга ошириб, кўпгина афғонлар маҳаллий аёллар билан турмуш қурдилар. Улуғ йўл бошчилардан бири Аловиддин Хилжи хинд аёлига уйланди, унинг ўғли ҳам отасининг ишини такрорлади. Кейинчалик кўпгина ҳукмдорлар Кутбиддин Отбек, султон завжалари Розия, Элтутмиш сингари миллатига кўра турклар эди. Зодагонлар ва қўшин асосан афғонлардан ташкил топган эди. Деҳли тирик давлатнинг пойтахтига айлиниб гуллаб-яшнар эди. Ун тўртинчи асрдаги мароқашлик машҳур араб сайёҳи Ибн Батута Қоҳира ва Истамбулдан Хитойгача кўплаб шаҳарларни кўрган бўлсада, бироқ бўрттириброк Деҳли «дунёнинг энг буюқ шаҳарларидан бири» деб ёзган эди. Деҳли султонлиги ҳудуди жанубга қараб кенгайиб борди.


(Давоми. Боши ўтган сонларда).

боғлиқ бир ривоят бор. У ражпут бошлиқларидан бирининг саман отидан хайратланиб отингни менга берасан деб туриб олган экан. Хара қабиласининг бошлиғи Лодиға қараб: ёдингда турсин, сен ражпутдан учта нарсани — биринчидан отини, иккинчидан севган ёрини, учинчидан қиличини асло сўрама, деб отини суриб кетган экан. Шундан кейин кўнгилсиз воқеалар бир-бирига уланиб кетган экан.

Ун тўртинчи аср охирида шимолдан соҳибқирон Темур яқинлашиб келди ва Деҳли султонлигини тор-мор келтирди. У Хиндистонда бир неча ой бўлди, холос. Деҳлигача бордию орқасига қайтди. Унинг ғанимлари анчагина ўзларига келолмадилар. Панжоб ва Деҳли давлатининг фақат айрим туманларига унинг ихтиёрига ўтди.

Деҳли узоқ йиллардан кейингина уйқуни тарк этиб буюқ салтанатнинг пойтахтига айланди. Темурнинг ҳужумидан кейин йирик давлат парчаланиб кетди. Унинг хароблари узра жанубда янги давлатлар вужудга келди. Бундан бирмунча муқаддам ун тўртинчи аср бошларида иккита йирик давлат — Бахмонийлар давлати деб аталган Гулбарга ва хинд князлиги Вижнагар пайдо бўлган эди. Сўнграқ Гулбарга бешта давлатга бўлиниб кетди. Улардан бири Ахмаднагар эди. 1490 йилда Ахмаднагарга асос солган Аҳмад Низомшоҳ бахмонийлар сулоласи подшоҳларининг вазири бўлган Низомул Мулк Бахмонийнинг ўғли эди. Низомул Мулкнинг отаси Бахаири исми ғазначи — браҳман бўлган. Шундай қилиб Ахмаднагар сулоласи маҳаллий хусусиятга эга бўлган юртнинг қахрамон қизи Чанд Бибининг томирида аралашган қон оққан. Жанубдаги барча мусулмон давлатларининг ҳукмдорлари е туб ерли, е қўшилишиб кетган авлоддан бўлган.

Анвар КАРИМОВ
таржимаси.
(Давоми бор).



МЕЗБУН

АРАБ улуғларидан Талха номи бир бошлиқ муҳим ишни ҳал қилиш нияти билан Кайс қабиласига келиб, у қабила раиси Малик ибн Авфнинг меҳмони бўлди. Малик меҳмоннинг қимлигини билмагани, уни танимагани учун меҳмонлиқни ўрнига қўймади.

Эртаси кун Талха ўз уйига қайтгандан кейингина, Малик меҳмоннинг қимлигини билиб, меҳмонлиқни яхши баҳармагани учун надомат чекди.

Дарҳол Талхага:

— Мен сизни танимаганим учун мартабангиз, обрўйингизга муносиб бўлган хизматни бажо келтиролмадим, меҳмонлик вазифини яхши баҳармадим, шунинг учун жуда ҳам хижолатдаман. Айбимни кечирасиз деб умид қиламан. Узрхоҳлар узрини қабул қилиш қарамингиз шевасидир, — деган мазмунда хат ёзди.

Бу мактубни олган Талха, унга шундай жавоб ёзди:

— Узрингни қабул қилдим, кўп ташвишланма, узрхоҳларнинг узрини қабул қилиш менинг энг севаган ишимдир. Қилган ишин-

Митти ёқутчалар

гдан асло хижолат чекма, кўнгилсиз бўлма!

БАЙТ: Чун надомат машриқидин узр субҳи урса дам,

Тун қоронгуси каби барча гуноҳ бўлмай адам!

САБОК: МЕҲМОННАВОЗЛИҚДА эъзоз ва қарам ҳар қимга бирдекдир. Ҳамма ерга қуёш бир текисда нур сочиш, ҳамма жойга ёмғирдек бир равишда ёғиш меҳмонлик шартидир. Меҳмоннавозлиқда барчага бир хил, бир текисда қараш лозим эканини меҳмон унутмасин!

ЗИЁФАТ

АБУСАИД исмли бир мўтабар одам кунлардан бир кун ёру дўстлари учун зиёфат берди. Ошпазни чакриб:

— Мен яхши кўрганим фалон хил таомни пишириб олиб кел, — деб булорди. Ошпаз у буюрган таомни тайёрлаб, бошқа таомлар билан бирга олиб келди. Абусаид ўзи буюрган таомдан бир лўкма олган эди, унда бир қилни кўриб олиб ташлади. Иккинчи-учинчи марта олган лўкмаларида ҳам қил учратди. Ниҳоят, у таомдан қўл тортиб, бошқа таомлардан ейишга мажбур бўлди.

Овқатдан кейин ошпазни чакриб:

— Мен буюрган таомни жуда ҳам лаззатли қилиб тайёрлагансан, эртага яна ўша таомдан ичида қил бўлмаслик шarti билан пишириб келтир, — деб булорди. Зиёфатда ҳозир бўлганлар Абусаиднинг латофатли сўзига қулишдилар ва тааж-

жубланиб:

— Абусаид дўстимиз ўз ошпазини шундай силлиқ ва мулоҳим сўзлар билан уялтирдики, унга қаттиқроқ танбех беришига ҳржат қолмади, — деб офаринлар ўқидилар.

БАЙТ: Кўрмадик сайр айлабон офоқни, Хулқи хушдан ўзга яхшироқни!

САБОК: МЕҲМОНДИЛ бўлгил ва меҳмонга таъна қилмагил. Димо очик юз бўл, токи ҳар киши меҳмонинг бўлса, шодлик ила таомингни есин...

МЕҲМОН

БИР КИШИ улуғ мартабали одамдан анчагина пул қарз олган бўлса ҳам, қарзини ўз вақтида тўламаган, вақт ўтказган эди. Ниҳоят, пул эгаси қарздордан пулини ундириб олишни ўзининг катта бир хизматчисига ҳавола қилди.

Хизматчи қарздорнинг уйига борди, унга қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтиб, амалдордан олган пулни дарҳол чиқариб беришни сўради. Қарздор у хизматчига:

— Мени хожанг ёнига олиб бор, унга айтадиган махсус сўзим бор, — деб қайта-қайта ўтинди. Унинг йиғламоли, зорланиб ўтиниши бағритош хизматчининг ҳам кўнглига таъсир қилиб, хожаси ҳузурига олиб келди.

Амалдор бир қанча кишилар билан ўтириб ош ейишда машғул эди. Хизматчи қарздорни амалдорга кўрсатиб:

— Бу кишидан пулингизни дарҳол чиқариб беришни сўраб

қаттиқ муомала қилган эдим, кўп тавба-тазарру қилиб, сизнинг ёнингизга олиб келишимни ўтинди, раҳимим келиб, олиб келдим. Энди нима қилсангиз, ўзингиз биласиз, — деди.

Амалдор хизматчини ҳам, қарздорни ҳам ошга таклиф қилди. Улар ҳам овқатланишга машғул бўлишди. Овқатдан кейин амалдор халиги хизматчига:

— Бу қарздор энди менинг меҳмоним бўлди. Азиз меҳмонимдан пулимни талаб қилишим мурувватдан эмас. Бу бечора одам муҳтожлик ичида қолгани учун пулимни келтириб беришга қодир бўла олмаган. Унинг шундай ҳолда эканини олдинроқ билган бўлсайдим, сени унинг ёнига юбормасдим. Энди мен у пулимдан воз кечдим, азиз меҳмонимнинг ўзига бағишладим. Бундан кейин бу меҳмонимнинг уйига бориб, унинг кўнглини огритма, — деди.

Улуғ мартабали бу одам қарздор меҳмоннинг кўнглини кутариб, инъом-эхсон қилиб, иззат-ҳурматино бажо келтириб, уйига қайтишга руҳсат берди...

БАЙТ: Могу мулқинг, мартабангдир беқарор, Яхшилик қилгилки қолсин ёдигор!

САБОК: ЭЙ МУҲТАРАМ! Агар меҳмондорчилик истасанг, ҳар қимнига меҳмон бўлиб бораверма, чунки, обрў-шавқатингга зиён етказасан. Меҳмон бўлиб бир ерга борсанг, кўп оч бўлиб бормагин. Меҳмоннинг уйига кириб ўтирсанг, ўзингга муносиб жой танлагин...

БАҲОДИР ВАЛИЕВ тайёрлади.

ПСКЕНТДА «МОЗИЙ САДОСИ»

ЯҚИНДА Пскент туманидаги 7-лицейда «Мозий садоси» мавзусида қизиқарли ва мароқли тадбир бўлиб ўтди.

Саҳнада лицей ўқувчилари ижросида буюк сиймолар қиёфаси гавдаланди. Шунингдек, жисмоний ва ҳарбий машқларда ҳамда полвонлар беллашувида ҳарбий таълим фани ўқитувчиси Бахтиёр Абдуллаев, Эркин Эргашевлар зукко, қаққон ва эпчил ҳаракатлари билан тадбирга янада файз бағишладди. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган мунозарали баҳсда эса 11 «А» синф ўқувчиси Фариди Одилова 1-ўринни эгаллади.

Моҳира АРСЛОНОВА.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабарига кўра 29 октябрдан 2 ноябргача пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг очик ва мўтадил келиши кутилмоқда. Ҳарорат кечалари 7—12, кундуз кунлари эса 21—26 даража иссиқ бўлади.


Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса тоғли туманларда қиска муддатли ёғингарчилик ёғиши эҳтимоли бор. Фардан секундига 15—20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 2—7, кундуз кунлари эса 12—17 даражага тушади.

СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ

РУСЛАН ЧАГАЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

1974 йили тошкентлик Руфат Рисқиев бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, Ўзбекистон шuhrатини дунёга ёйган эди. Мана, орадан 23 йил ўтгач, яна бир боксчимиз — Руслан Чагаев ҳаваскор боксчиларнинг Венгрия пойтахтида ниҳоясига етган биринчилигида 91 килограммгача вазнлар баҳсида ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисидан жой олди. Боксчимизнинг бу галабаси шарафига Будапештда Ватанимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи кўтарилди. А. Разматов ва М. Кўчқоровлар шогирди 19 ёшли Осие чемпиони Руслан Чагаев аввалига Уганда, Беларус, Италия ва Олмония спортчиларини енгиб, финалда икки марта Олимпиада голиби, беш карра жаҳон чемпиони бўлган кубалик Феликс Саван билан олтин медал учун баҳслашди. Ҳал қилувчи беллашувида ватандошимиз тўла устунлик билан 14:4 ҳисобида галабага эришди ва жаҳон чемпиони бўлди.

Будапештда ниҳоясига етган жаҳон биринчилигида яна тўрт боксчимиз — Дилшод Ёрбеков, Алишер Раҳимов, Темир Тўлаков ва Тўлқин Турғуновлар ҳам мукофотли бешинчи ўринни эгаллашди.



Суратда: жаҳон чемпиони Руслан Чагаев (ўнгда) жамоадош дўсти Дилшод Ёрбеков билан.

КЕЧИККАН ГАЛАБА

ЎЗБЕКИСТОН футболчилари жаҳон саралаш баҳсларининг навбатдаги учрашувини Қозоғистон жамоаси билан ўтказиб, йирик — 4:0 ҳисобида галабага эришдилар. Бирок, бу ютук муҳлисларнинг совиган қалбига бироз таскин беришдан бошқа нарсага ярамади. Рақиблар дарвозасига тўплари Игорь Шквирин (2 та), Андрей Федоров ва Миржалол Қосимовлар киритишди.

Терма жамоамизга янги мураббий — бразилиялик Убиража Вега да Сильва бошчилик

қилмоқда. Унинг пойқадами қўтлуғ келармикин ё... Ҳар ҳолда бу саволга 2 ноябрда сафарда Бирлашган Араб Амирликлари билан бўладиган сўнгги ўйин қисман бўлса-да, жавоб бериши мумкин.

25 октябрь кун гуруҳимизда Япония — Бирлашган Араб Амирликлари жамоалари ўртасидаги учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади ва финал учрашувларига бериладиган иккинчи йўлланма учун асосан ана шу икки мамлакат футболчилари даъвогар бўлиб туришибди.

«Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» (Бизнес-Фонд) очик турдаги акциядорлик жамияти Тошкент вилояти бошқармаси

«Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» (Бизнес-Фонд) очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ ташкил этилган. Фонднинг асосий фаолияти хусусий тадбиркорларга, кичик бизнес вакиллари ва бошқаларга инвестиция лойиҳаларни кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида маблағ билан таъминлашга қаратилган.

«Бизнес-Фонд»нинг низоми жамғармаси 250 миллион сўм. «Бизнес-Фонд» ОТАЖ муассислари қаторида Ўздаббиркорбанк, «Тошкент» Республика фонд биржаси, Инновация ва менежмент Маркази, «Барно ЛТД» фирмаси ва бошқалар бор. Ҳозирги пайтда биринчи эмиссия якунланган. «Бизнес-Фонд» ОТАЖ акциялари Республика Фонд биржасида эксперт комиссиясидан ўтди ва меъерий барқарор деб баҳоланди.

«Бизнес-Фонд» дивидендларни изчиллик билан тўлаб бормоқда. 1995 йил учун дивидендлар 1 акцияга 100 сўмни ёки 100 фоизни ташкил этди. 1996 йил учун 150 сўмдан ёки 150 фоиздан дивиденд тўлади. 1997 йилдан бошлаб дивидендлар йилига икки марта тўланмоқда. Бундан ташқари, 1996 йил акциядорлар даромадлари фойдани сармоялаштириш ҳисобидан 1 акцияга 400 сўмдан ёки 400 фоиздан иборат бўлди.

1996 йилда «Бизнес-Фонд»нинг 1 акцияси 550 сўм миқдоридан даромад келтирди. «Бизнес-Фонд» ОТАЖ акциядорлари молиявий аҳволи қониқарли ҳолатда имтиёзли кредит олишга ҳақлидир.

ДЎСТЛАР!

«Бизнес-Фонд» акциялари ёрдамида сармоядор ва мулкдор бўлишга шошилинг!

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Мўқимий кўчаси, 178

Тел: 78-51-93, 78-54-08.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани прокуратураси ва Ички ишлар бўлими жамоалари прокуратура ходими Умар Файзиёва онаси

Муассархон ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ
ТОШКЕНТ НАСРИАТИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзил:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда деталларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.